



Президент Шавкат Мирзиёев 17 май куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертифицикация ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тақдирини билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозғоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон-Франция ҳукуматларо комиссиясининг савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича йилги ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг Индонезия Республикаси парламенти Вакиллар палатаси Спикерининг ўринбосари Раҳмат Гобель бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Миллий матбуот марказида 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг навбатдаги брифинги бўлиб ўтди. Унда аънаёна кўра, ўтган ҳафтадаги тадбирлар ҳақида қисқача маълумот берилди.

Россиянинг Хабаровск шаҳрида 11-15 май кунлари бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси муносиб иштирок этиб, яқунда 4 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза, жами 8 та медални қўлга киритди. Боксчиларимиз Исрол Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Ўзбекистонлик ёш ёзувчи Жавлон Жовлевнинг қаламига мансуб «Кўрқма» романи Афғонистоннинг «Олтин қалам» мукофотига сазовор бўлди.

Кинематография агентлиги Россиянинг «Мастерская» кинокомпанияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон: Янгилаётган тарих» ҳужжатли фильмининг Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ, Кўнғирот туманларида суратга олиш ишларини бошлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Самарқанд вилояти

Касаба уюшма иншоотлари

Нурбулоқдан таралган зиё

Нуробод туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Абу Али ибн Сино плаза» санаторийси фаолият бошлади

Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, қурилиш ва бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш ҳозирги мураккаб даврнинг долзарб масаласига айланган.

Дўппини бошдан олиб, бир мулоҳаза юритайлик. Қайси юртда пандемия шароитида шу қадар кўп бунёдкорлик бўляпти? Биргина Самарқанднинг ўзида қилинган қурилиш ва бунёдкорлик қўламини кўринг. Булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта!

Самарқанддаги кўркем иншоотлар сони яна биттага кўпайди. «Абу Али ибн Сино плаза» санаторийси ўз фаолиятини бошлади.

Шу муносабат билан ташкиллаштирилган тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов, Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Баҳодир Умрзоқов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, таниқли олимлар, шoir ва ёзувчилар, санъаткорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



2

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Абу Али ибн Сино плаза» санаторийси очилишига бағишланган тантанали тадбирдаги ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар! Қадрли меҳмонлар!

Авваламбор, барчангизни куни кеча юртимизда кенг нишонланган муҳим аҳлининг муқаддас айёми – ийди Рамазон байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар!

Бугунги тадбиримизда ҳурматли меҳмонларимиз – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари, академик, Акмал Саидов, Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти, сенатор Бекзод Йўлдошев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳожиматов, Тошкент шаҳар Нурунийлар кенгаши раиси, сенатор Рустам Калонов, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тарих институти директори Азамат Зиё, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари, иқтисод фанлари доктори Баҳодир Умрзоқов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбек Миллий театри бош директори Ёдгор Саъдиев, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри директори Маҳмуд Муродов, Самарқанд вилояти ҳокими, сенатор Эркинжон Турдимов, Самарқанд вилояти ва Нуробод тумани жамоатчилиги вакиллари, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари кенгашлари, тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари ҳам ҳозир бўлишган.

Азиз дўстлар!

Бутун дунё пандемия билан курашмоқда. Вирус балои бизнинг юртимиздан ҳам бутунлай чекинган эмас. Бироқ, ҳаёт давом этмоқда. Одамларнинг ташвишлари, муаммолари ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Шу маънода, муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Миромоновичнинг мунтазам равишда мамлакатнинг у ёки бу ҳудудларига ташрифлари, аслида, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, одамларга қўлай шароитлар яратиш, янги иш ўринлари пайдо қилиш мақсадларини муҳассам этди. Юрт раҳбарининг ҳар бир ташрифидан сўнг янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушади, кўплаб оилаларнинг даромад манбаи пайдо бўлади.

Дунёга боқайлик, ахир пандемия шароитида қайси юртда шу қадар кўп бунёдкорлик бўляпти, қаерда юрт раҳбари шахсан қишлоқ-ма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла юрибди? Бутунжаҳон пандемияси авжида турган шу икки йиллик оғир даврда биргина Самарқанднинг ўзида қилинган қурилиш ва бунёдкорлик қўламини кўринг. Булар ўз-ўзидан бўладими? Албатта, йўқ! Энг муҳими, барча ишларда Президентнинг ўзи биринчи бўлиб ташаббус кўрсатмоқда, ўзи шахсан бориб кўрмоқда, маслаҳат, йўл-йўриқларини бермоқда.

Бундай улғурғор ишларга фақатгина Ватани, Миллати ва шу мўътабар Заминига муҳаббати қайнаб тошган, эл-юртини жонидан ортиқ севадиган Инсонгина қодир бўлади. Шундай эмасми?

Ҳурматли дўстлар!

Муҳтарам Шавкат Миромоновичнинг яқиндагина Самарқанд вилоятига қилган ташрифи ҳам муҳим тарихий аҳамият касб этди. Бу сафар давлатимиз раҳбари бошқа муҳим лойиҳалар билан бирга, бутун Исрол аҳлининг доимий зиёрат манзили бўлмиш Имом Бухорий мажмуасини ҳам тубдан қайта қуриш борасида катта лойиҳаларга оқ йўл тиладилар.

Президентимизнинг ҳар бир Самарқандга келишларида бир маъно бор, ҳар сафар у кишининг юз-кўзида азим Самарқандга катта соғинчли кўраман. Ҳар сафар Самарқанднинг меҳнаткаш одамлари сари ошиқилари, улар билан дилдан суҳбат қуришлари, уларга имкон қадар яхшиликлар қилишга интилишларини кўраман. Ва англайманик, бу соғинчнинг замирида сиз – азиз юртдошларнинг ҳам жасоратли ва мард Юртбошимизга нисбатан беқиёс меҳрингиз турибди. Давлатимиз раҳбарининг бу диёрга талпинишлари бежиз эмас, учрашувлардан бирида бу заминда орттирган тажрибалари ҳар бир ишда қўл келаётганини алоҳида таъкидлаб айтганини эслашнинг ўзи ҳам бунга ёрқин далилдир.

Биз бугун сизларнинг гувоҳликларингизда «Абу Али ибн Сино плаза» санаторийсини очмоқдамиз. Аслида, бу лойиҳа ҳам шахсан Шавкат Миромоновичнинг топшириги, кўрсат-

маси билан сиз азиз юртдошларга тортиқ қилинмоқда.

Шу маънода, барчангизга муҳтарам Юрт отасининг қизғин салони ва муборак кундаги фарзандлик эҳтироми сифатидаги совғасини тақдим этаётганимдан бағоятда бахтиёрман.

Ҳурматли меҳмонлар!

Самарқанд заминининг чекка, олис чўл ҳудуди бўлган Нурбулоқда, ер қаърида мўъжизакор, радон билан тўйинган шифобахш сув борлигининг ўзи ҳикмат эмасми? Яратганининг шу азиз неъматидан одамларимизни кўпроқ баҳраманд этишни ният қилиб, Абу Али ибн Сино номидаги санаторий ҳудудида, бутунлай замонавий типдаги янги сўхатгоҳ қурилди.

Бугун биз пок ниятлар билан ушбу иншоотни ишга туширмоқдамиз.

Янги санаторий 150 ўринга мўлжалланган ётоқ бўлими ва ошхонага эга. Бинонинг ўзида жойлашган даволаш бўлимлари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Қурилиш, ободонлаштириш ва муҳандислик иншоотлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жами 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Санаторий – таянч-ҳаракат, қон айланиш ва асаб тизимлари касалликларига қалинган дам олувчиларни соғломлаштириш учун иختисослаштирилган. Асосий даволаш омили – 750 метр чуқурликдан чиқувчи таркиби машҳур «Цхалтубо» (Грузия) санаторийси сувига ўхшаш термал, радонли, кучсиз натрийли маъданли сув.

Минерал сув таркибида радоннинг мавжудлиги иммун тизимини мустаҳкамлаш орқали турли касалликларнинг олдини олишда, яъни касалликлар профилактикасида ҳам жуда самарали ҳисобланади. Бундан ташқари, маъданли сувдан ванна, милкни чайиш, ичак ювиш учун фойдаланилади. Шунингдек, парафин-озокерит, физиотерапия, балчиқ билан даволаш, игна билан рефлексотерапия, даволовчи жисмоний тарбия, массаж, турли душлар, диета билан даволаш усуллари ҳам қўлланилади.

Мухтасар айтганда, ушбу сўхатгоҳ муҳтарам Юртбошимизнинг кўрсатмалари, тав-

сиялари билан бугунги кунда жаҳондаги энг илғор санаторийлар талаблари даражасида қурилди ва жиҳозланди. Энди заҳматкаш юртдошларимиз шу ернинг ўзида дунёнинг ҳеч бир машҳур санаторийсидан қолишмайдиган даражадаги масканда ҳордиқ чиқариб, шифо олишлари мумкин бўлади.

Азиз дўстлар, ҳурматли Самарқанд аҳли!

Ушбу муаззам қошона, эзгулик манзили барчангизга муборак бўлсин!

Биз яхши ният билан янги сўхатгоҳга Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан бир гуруҳ эл ҳурматиға сазовор бўлган меҳнат фахрийлари, нурунийларимизга имтиёзли йўлланма бериб, таклиф қилдик. Улар куни кеча бу ерга жойлашдилар. Биз уларнинг барчасидан бу йўлланмаларни муҳтарам Юртбошимизнинг Рамазон ҳайити муносабати билан шахсан совғалари сифатида қабул қилишларини сўраймиз. Ва «Хуш келибсизлар!» деб қоламиз. Уларнинг ёруғ тилаклари, дуолари билан ушбу саломатлик қошонаси халқимизга кўп йиллар хизмат қилсин. Яхшиликларга буюрсин!

Азиз дўстлар!

Қадрли меҳмонлар!

Фурсатдан фойдаланиб, карантин шароитларида бўлса-да, кунни тунга улаб меҳнат қилган қурувчиларимизга сизларнинг номларингиздан ўз миннатдорлигимизни билдирсак. Бизга хайрихоҳ бўлиб турган Самарқанд вилояти ҳокими, қадрли Эркинжон Оқбўтаевич Турдимовга, туман раҳбариятига, барча дўстларга ҳам чуқур миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Азиз дўстлар!

Барчангизга яна бир бор янги санаторий муборак бўлсин!

Юртимиз ҳамisha файзли, тароватли, баракотли, фаровон бўлсин, тинчлигимизга кўз тегмасин, муҳтарам Юртбошимиз ҳамisha бахтимизга омон бўлсинлар!

Сизларнинг номларингиздан муҳтарам Юртбошимизга тани сўхатлик, юртимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларда Аллоҳнинг ўзи ҳамisha мададкор бўлишини тилаб қоламиз!

Эътиборларингиз учун катта раҳмат!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Нурбулоқдан таралган зиё

Нуробод туманида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг «Абу Али ибн Сино плаза» санаторийси фаолият бошлади

1 Кудратилла Рафиқов янги иншоот билан барчани табриклаб, охириги йилларда хотин-қизлар ва кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, иродаси синовларда тобланган кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатилаётганига алоҳида тўхтади. Янги иншоот мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб тўхфа эканини таъкидлади.

Тантанали тадбирда янги сиҳатгоҳ имкониятларини ошириш, дам олувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида, касаб уюшмалари томонидан харид қилинган янги «ISUZU» ва «Дамас» автоуловчи ҳам топширилди.



150 ўринга мўлжалланган санаторий энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Қурилиш, ободонлаштириш ва муҳандислик иншоотлари учун Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси томонидан жами 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Мухтасар айтганда, ушбу сиҳатгоҳ муҳтарам Президентимизнинг кўрсатмалари, тавсиялари билан жаҳонда энг илгор санаторийлар даражасида қурилди ва жиҳозланди.

– Мазкур санаторий таянч-ҳаракат, қон айланиш ва асаб тизими касалликларига чалинган дам олувчиларни соғломлаштириш учун ихтисослашти-

рилган, – дейди сиҳатгоҳда кўп йиллардан буён хизмат қилиб келаётган шифокор Убайдулло Курбонов. – Унинг асосий даволаш омили – 750 метр чуқурликдан чиқувчи таркиби машҳур «Цхалтубо» (Грузия) санаторийси сувига ўхшаш термал, радонли, кучсиз натрийли маъданли сувдир. Минерал сув таркибиде радоннинг мавжудлиги иммун тизимини мустақамлаш орқали турли касалликларнинг олдини олишда, яъни касалликлар профилактикасида ҳам жуда самарали ҳисобланади. Бундан ташқари, маъданли сувдан ванна, милкани чайиш, ичак ювиш учун фойдаланилади. Шунингдек, парафин-озокерит, физиотерапия, балчак билан даволаш, игна билан рефлексоте-

рапия, даволовчи жисмоний тарбия, массаж, турли душлар, диета билан даволаш усуллари ҳам қўлланилади.

Бир вақтлар Нурободда тоза сув излаб кўплаб қудуқлар қазилган. Аммо 450, ҳатто, 500 метр чуқурликдаги сув ҳам истеъмолга ярамаслиги аёнлашган. Шундай бўлса-да, сув топишга бўлган умид сўнмади. Янада чуқурроқ қазилмалар амалга оширилди. Ва ниҳоят, қилинган саъй-ҳаракатлар ўзини оқлади. Нурбулоқ қўрғондаги изланишлар замин сирини очди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, бундан роппа-роса ўттиз йил илгари Ўзбекистон касаб уюшмалари ташаббуси билан бу ерда буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино номи билан аталувчи сиҳатгоҳга асос солинган эди. Шу даврдан буён инсон дардини аритишга йўналтирилган муъжизакор сув минглаб юртдошларимиз дардига

шифо бўлиб келмоқда.

Саксондан ортиқ кишини қабул қилишга мўлжалланган аввалги сиҳатгоҳ касаб уюшмалари кўмағида бир неча мартаба мукамал таъмирдан чиқарилиб, шарт-шароитлар яхшиланди.



Шифобахш сувдан фойдаланиш имкониятини янада ошириш мақсадида янги сиҳатгоҳга пойдевор қўйилди. Ана шу бунёдкорлик баҳонасида қарийб 40 йилга яқин вақт мобайнида таъмирланмаган 4P53-Нуробод-Нурбулоқ-Иштихон йўналишидаги 31 километрлик йўл ҳам мукамал таъмирдан чиқарилди.

– Кўп йиллар турли вазифаларда меҳнат қилдим, – дейди Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидан келган отахон Абдулла Керуенбоев. – Шу давр мобайнида бирон марта дам олишга вақт ажрата олмабман. Шукур, қилган меҳнатларим роҳатини кексайганда кўряпман. Тўғриси, бу манзилга отланганимда санаторийнинг муъжизасига кўпам ишонмаган эдим. Аммо ўз кўзим билан кўргач... Хуллас, янги қошонадаги шароит, даволаш муолажаларини таърифлашга тил ожиз.

Зарафшон шаҳридан келган Ўткир Санақулов юрт истиқлолининг 30 йиллиги арафасида ҳаётида рўй берган бу қувончли ҳодисани энтикиб сўзлайди. Айтишича, яқиндагина давлатимиз раҳбари фармони билан у кишига «Меҳнат фахрийси» нишони тоши-



рилган экан. Касаб уюшмаларининг беғул дам олишга таклиф этиши кўшалоқ хурсандчилик бўлибди.

Умрининг қарийб 40 йилдан ортигини ёш авлод тарбиясига бағишлаган қўшрабтлик Ҳомиёт Мамарасулов ҳам оёқ-бўғинларидаги оғриқдан азият чекиб келаётган экан. Шифобахш сувнинг илк муолажасидаёқ бу дарддан фориғ бўла бошлабди.

– Биз кексаларга ғамхўрлик кўрсатётган мутасаддилардан беҳад миннатдоримиз, – дейди тошкентлик Анвархўжа Ғуломов. – Маза қилиб дам олиб, даволанамиз.

«Абу Али ибн Сино» сиҳатгоҳининг илк даволанувчилари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийлари бўлиши. Айни пайтда бу ерда касаб уюшмалари ҳомийлигида кўпни кўрган, эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшган 100 нафарга яқин отахон ва онахон беғул соғломлаштирилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти



Ишчи гуруҳ фаолияти

Фарғона вилояти

Орзуларга йўл очган ТАШАББУС

«Турк» маҳалла фуқаролар йиғини – Бувайда туманининг чекка ҳудудларидан бири. Хонадонма-хонадон юриб ўрганишлар давомида бу ердаги энг катта муаммо хотин-қизлар ишсизлиги экани аниқланди. Шу боис, уни ижобий ҳал этишга астойдил киришилди. Тез орада ҳудуддаги қаровсиз, бўш турган бинода «Абдулбосит АРМ-ТЕХ» тикув цехи очилди. Ҳозир унда 100 нафарга яқин аёл меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти «Аёллар дафтари»да қайд этилган хотин-қизлар.

Янги корхона барпо этилишида Фарғона вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳиссаси катта бўлди. Бирлашма ва вилоят ҳокимлигининг амалий кўмағи билан ташландиқ аҳволдаги бино қайта тазмириланди. Сўнгра бино ишининг кўзини биладиган тадбиркор Тўтиёхон Рашидовага берилди. У лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард сўмлик сармоя киритди. Тикувчиликка эса, аввало, «Аёллар дафтари»да қайд этилган, ишсиз хотин-қизлар жалб этилди. Ҳозир улар бозор талабларидан келиб чиқиб, эркаклар ва аёлларнинг мавсумий уст-бошларини тикишмоқда. Бежиримлиги ва нафислиги билан ҳар қандай мижознинг дидига мос келадиган бу маҳсулотлар тўғридан-тўғри хорижий бозорларга чиқарилмоқда.

Умуман олганда, Бувайда тумани бўйича ишчи гуруҳ томонидан ишсиз ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган 1 437 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»

рўйхатига олинган. Улар орасида «Жийдали» маҳалласида яшовчи Нилуфар Усмонова ҳам бор эди. Кўп ўтмай у ишчи гуруҳ ёрдамида Халқ банкига ишга жойлашди. «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган Нилуфар Тўланова эса 10-мактабга таълим ташкилотиде кичкинтойлар тарбияси билан шуғуллана бошлади.

Оқтепалик Омина Жўраева қўлида гулдай ҳунари бўлса-да, тикув машиниси олишга қийнаётган эди. Ишчи гуруҳ аъзолари билан юзма-юз мулоқот чоғи имкони топила, тадбиркорлик қилмоқчи эканини айтди. Нияти холис экан, кўп ўтмай, унга банк томонидан салкам 20 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу сармоёга 4 та тикув машиниси харид қилиб, уйда тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди.

– Яхши инсонлар шарофати билан кўп йиллик орзуим ушалди, – дейди Омина опа. – Энг муҳими, илгари танҳо ўзим ишлаган бўлсам, ҳозир 4 нафар аёл билан бирга фаолият юритяпман. Бюрогачиларимиз сафи кун сайин кенгаймоқда. Шунга кўра, келгусида иш ўринлари сонини яна 10 тага кўпайтирмоқчиман.

Сирасини айтганда, туманда «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, боқувчисини йўқотган, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, нотурар жойларда кун кечираётган, қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари бор ёлғиз аёлларга, шунингдек, тиббий ҳимоя, ҳуқуқий ёрдам ва психологик маслаҳатга муҳтож аёлларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай хайри ва савобли ишлар хотин-қизлар қалбига келажакка ишонч туйғуларини мустақамламоқда.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»



Аёлга имкон беринг, у дунёни ўзгартиради

Яккабоғ тумани «Фаровонлик» маҳалласи ҳудудида яшовчи Нилуфар Ўроқованиннг тўрт нафар фарзанди бор. Эри тўққиз йил бурун Россияга ишлагани кетган. Шу-шу, келгани йўқ. 2015 йилгача пул жўнатиб турди. Кейин эса лоқал телефон қилиб, болаларининг ҳол-аҳволини сўрашга ҳам ярамади.

Бу орада Нилуфар опа чала битган уйни қариндошлари ёрдамида таъмирлади, икки қизини турмушга берди. Бироқ дардини ҳадеб ичига ютаверганидан хасталикка чалинди. Операциядан сўнг эса яримжон бўлиб қолди. Шу боис, ҳар уч ойда тиббий кўриқдан ўтиб туриши шарт. Афсус, оила ташвишлари билан андармон бўлиб, бунга вақт ажратолмади.

Охириги пайтларда у чиқинди плёнкаларни қайта ишлаш орқали пакет-сумкалар тайёрлайдиган цехда меҳнат қилиб, рўзгорини тебратётганди. Зарари муҳида ишлагани сабабли аллергия касаллигига йўлиқди. Бўқоқ, сурункали камқонлик, асаблар таранглиги камлик қилгандай, эндиликда бу хасталик билан ҳам курашишига тўғри келяпти. Устига-устак, ҳали воёга етмаган ўғли унга ёрдамлашмоқчи бўлиб, бозорларда арава судради. Оғир юкларни тортиб-туширавериш, чурра (грижа) касалини орттирди...

Ана шундай ғам-ташвишлар гирдобиде қолган Нилуфарнинг жонига «Аёллар дафтари» ора кирди. Ишчи гуруҳ у даволаниши лозимлигини ҳисобга олиб, туман тиббиёт бирлашмасига йўланма берди. Оиласи зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Худди шунингдек, анча йиллардан буён бод касаллигидан азият чекиб келаётган Наргиза Дийёрова ҳам туман шифохонасида даволана бошлади. Боқувчисини йўқ, ёлғиз боласи билан ижарага олинган уйда яшаётган

Соҳиба Шукуровага ёрдам тариқасида тикув машиниси ажратилди. Эри бемор ва уй-жойсиз Гулҳаё Йўлдошева оиласи учун эса ижара шартномаси тузилди. Энди улар яшайдиган уй ҳақи туман маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими томонидан тўлаб берилди.

– Маҳаллаимиздан 40 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилди, – дейди «Фаровонлик» МФЙ раиси ўринбосари Сурмахон Темирова. – Барчасининг муаммоси бўйича «маҳаллабай» шаклда иш олиб бориляпти. Масалан, ногирон фарзанди борлигини ва ишсизлигини ҳисобга олиб, Дилафрўз Бойнаевани тадбиркорлик қилиши ундадик. У аввал ўқиди, кейин асарларчилик билан шуғулланишга жазм этди. 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига 21 қўти асарлари олди. Ҳозир уларни муқаддам кўп йиллар шу соҳада ишлаган қайнатаси кўмағида боқмоқда. Яна бир фуқаро – Ниғора Қиличева эса шунча миқдорда имтиёзли кредит олиб, тикувчиликни бошлаб юборди.

Тумандаги «Совуқбулоқ» МФЙ раис ўринбосари Дилфуза Сунонованиннг тиниб-тинчимаслиги, хонадонма-хонадон юриб, «Аёллар дафтари»га киритилган 64 нафар хотин-қизнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиши зое кетмади.

Масалан, Раъно Маматова имтиёзли кредит эвазига хотин-қизлар учун кийим-кечаклар тайёрлашни йўлга қўйган бўлса, Шаҳло Холтўраева «Ўзгаллик саломи»ни ишга ту-

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»





Оила даврасида телевизор томоша қилиб ўтирган эдик. Бир маҳал энергетик ичимликка оид реклама берилди. Унда 10-11 ёшлардаги бола ўша ичимликни харид қилиб, аллақандай совға ютиб олганини мақтаниб гапирди. Мен эса ҳайратга тушиб, жиддий ўйга толдим.

Хўш, бундай рекламалар бизга нима беради? Кимларнингдир чўнтагини қап-пайтириш илинжида қилинаётган бу янглиғ енгил-елпи ишлар охир-оқибат ўзимизга – бутун жамиятга зарар келтирмайдими? Ахир, айнан шунақа акциялар ҳали воёга етмаган фарзандларни оғирнинг устида, енгилнинг остидан ўтишга, энг ачинарлиси, жонини койитмасдан пул топишга ўргатиб қўймайдими?

Умуман олганда, сўнги пайтларда кундалик ҳаётимизни акциясиз тасаввур этиш мушкул бўлиб қолди. Қарога қараманг, акция! «Биттасини сотиб олинг, иккинчиси текинга берилди», «Қопқоқ ичига яширинган совгани топинг ва унга эга бўлинг!» қабилдаги гаплар, очиги, ғашимизга тега бошлади. Чунки бошқа мамлакатлар космосни забт этаётган бугунги тезкор замонда бизнинг ўсмир ёшидаги фарзандларимиз қандайдир ўткинчи совғага эга бўлиш илҳида энергетик ичимликлар ичиб, қопқоқ йиғиб юриши ўта шармандали ҳолатдир.

Эҳтимол, бу гапларимни ўқиганлар орасида

«Сал оширвордингиз-ов, негаки, болаларнинг ҳаммаси ҳам қопқоқ териб юргани йўқ. Қолаверса, энергетик ичимликларни норасидалар воситасида тарғиб қилаётганларга маъмурий жазо бор», дейдиганлар ҳам топилар. Мен уларга жавобан қуйидаги далилларни келтирмоқчиман: 2019 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда 6 минг 577 та жиноят рўй бергани қайд этилган. 2020 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 11 минг 173 тага етган. Шундан салкам ярми воёга етмаганлар ҳисобига тўғри келган.

Қўриб турибсизки, норасида ўғил-қизларнинг маълум қисми ҳали катта ҳаётга қадам қўймасиданоқ жиноятчи деган тавқи лаънат орттир-япти. Бунга эса маълум даражада ойнаи жаҳон орқали эфирга узатилаётган акциялар (қопқоқ тагига яширинган совғалар) ҳақидаги рекламалар ҳам сабабчидир, эҳтимол...

Давомини суриштирсангиз, бунақа акциялар нафақат болаларга ўсмирларни, балки катта ёшларнинг айримларини ҳам ҳаётга енгил-елпи қарашга ўргатапти.

Албатта, бу меннинг шахсий фикрим. Уни кимдир маъқуллаши, кимдир инкор этиши мумкин. Бундан қатъи назар, биз зинҳор-базинҳор фарзандларимиз таълим-тарбиясига бефарқ бўлмаслигимиз керак. Демакки, тадбиркорлик ниқоби остида ўйлаб топилётган акцияларни жиддий назоратга олишимиз шарт!

Абдулла АХМЕДОВ



«Ishonch»га жавоб берадилар...



ЖАМОАТЧИЛИК ХУЛОСАСИ, АЛБАТТА, ЭЪТИБОРГА ОЛИНАДИ

Адабиётшунос олим мақолада она тилимиз тақдирини ҳақида қуёнчақлик билан билдирган фикр-мулоҳазаларга қўшимиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳукумат ташиббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ва қарийб бир йил давомида парламентда муҳокама қилинди.

Авалло айтиш жоиз, давлат тилига оид амалдаги қонунга киртилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг жозибдорлигини оширишга, жамият ҳаётида қўлланши даражаси кескин ошишига хизмат қилади.

Фикримизга қонун лойиҳасида мустаҳкамланаётган қуйидаги айрим меъёрларни мисол сифатида келтириш мумкин. Таклиф этилаётган лойиҳага кўра, «Ўзбекистон Республикасида давлат органларида ва бошқа ташкилотларда иш юришти, статистик ва молиявий ҳисоботлар давлат тилида юритилади» (8-модда), «Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўзининг хизмат ва профессионал вазифаларини бажариши учун давлат тилини билишлари шарт» (10-модда), «Ўзбекистон Республикасида нотариал билдираётган давлат тилида амалга оширилади» (14-модда).

Қонунда шу каби қатъий ва аниқ меъёрларнинг жой олаётгани ўзбек тилининг давлат тилидаги мавқеини тубдан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлаётгани бу масалага аксарият юртдошларимиз бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Дунё парламентлари тарихи шуни кўрсатадики, долзарб ижтимоий аҳамиятга эга қонун лойиҳалари кескин мунозара ва муҳокама натижасида қабул қилинади. Миллий парламентимиздаги жараёнларга ҳалқимиз фаол муносабат билдираётгани ҳам сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар юксалиби, янги даражага

кўтарилаётганини намойён этади. Бу қарорлар қабул қилишда парламентни янада масъулиятли бўлишига даъват этади.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича якуний қарор ҳали қабул қилинган эмас. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мунозара ва тортишувлар давом этмоқда. Охириги қарор ялпи мажлисда қабул қилинади. Ҳар бир депутат охириги хулосасини беришда кенг жамоатчилик, зиёлилар, олим ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини эътиборга олишига эса шубҳа йўқ.

Эркин ЗОХИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси



чиси – камҳаракатлик. Бунинг натижасида организмнинг энг катта душмани бўлган ортиқча вазн юзага келади. Хоҳлайсизми, йўқми, ортиқча вазн инсулът ва инсулътга олиб келувчи омилларни кучайтириб юборади.

Шунингдек, юрак қон-томир касалликлари, гипертония, қандли диабет, ўз вақтида даволанмаслик, зарарли одатлар, кашандалик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, тўғри овқатланмаслик ҳам инсулътни чақирувчи омиллардан саналади. Қолаверса, фастфудлар, таркибида маргарин сақлайдиган озиқ-овқатларни пала-партиш истеъмол қилиш натижасида қоннинг таркибида ўзгаришлар юзага келади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, аёлларда инсулътни чақирувчи яна бир катта омил – стресс. Ундан ташқари, контрацептик дори воситаларини доимий истеъмол қилиш ҳам

рувчи белгилари ҳисобланади.

– **Инсулът қай ҳолатларда асоратсиз кечади? Умуман олганда, инсулътдан кейин асорат қолмаслиги мумкинми?**

– Бу ҳар бир организмнинг ўзига хослиги, инсулът ўтказган беморда қўшимча касалликлар бор-йўқлигига ҳам боғлиқ. Агар беморда қандли диабет, юрак қон-томир касалликлари бўлса, унда организмнинг қайта тикланиш жараёни секин кечади. Инсулът ўтказдимиз, де-

– **Инсулът – бош мия тўқимасининг зарарланиши бўлиб, лотин тилида «зарба» деган маънони англатади. Касаллик яшин тезлигида содир бўлиши мумкин. Инсулътнинг геморрагик ҳамда ишемик тури бир-бирдан фарқланади. Геморрагик инсулът деб мия тўқимасига қон қуйилишига айтади.**

инсулът рўй беради. Агар уйда шундай ҳолат юз берса, беморни кулай қилиб ётқизиш, агар томоқ йўлларида нафас олишига қийинчилик туғдирадиган нарса бўлса, олиб ташлаб, зудлик билан тез ёрдам чақириб зарур.

– **Инсулътнинг олдини олса бўладими? Бу борада қандай маслаҳат берасиз?**

– Биринчи навбатда, ортиқча вазндан халос бўлиш керак. Танадаги ортиқча 4-5 килограмм вазндан қутулиш – касаллик билан курашишнинг энг самарали усули. Ундан кейин тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, яъни спорт билан шуғулланиш, керасиз одатлардан, масалан, чекишдан воз кечиш, доимий қабул қиладиган дори воситаларини ўз вақтида қабул қилиш, қандли диабет касаллиги бўлса, уни ўтказиб юбормаслик зарур.

Мухтасар айтганда, инсон соғлом турмуш тарзига амал қилса, инсулътнинг олдини олса бўлади.

– **Ишемик инсулътда-чи? Клиник бел-**

Тиббиёт бекати

гилари ва сабаблари ҳақида маълумот берсангиз.

– Ишемик инсулът кўпроқ кечаси юз беради. Белгилари геморрагик инсулът билан деярли бир хил. Юқори қон босими бўлган инсон дориларини кечаси ётишдан олдин ичмаслиги керак. Чунки табиий ҳолатда ҳам кечаси инсоннинг энг самарали нуқтаи назари. Агар қон босимини туширувчи дори уйқудан аввал ичилмаган бўлса, қон мия тўқимасига келмай қолиб, инсулът рўй беради. Агар уйда шундай ҳолат юз берса, беморни кулай қилиб ётқизиш, агар томоқ йўлларида нафас олишига қийинчилик туғдирадиган нарса бўлса, олиб ташлаб, зудлик билан тез ёрдам чақириб зарур.

– **Инсулътнинг олдини олса бўладими? Бу борада қандай маслаҳат берасиз?**

– Биринчи навбатда, ортиқча вазндан халос бўлиш керак. Танадаги ортиқча 4-5 килограмм вазндан қутулиш – касаллик билан курашишнинг энг самарали усули. Ундан кейин тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, яъни спорт билан шуғулланиш, керасиз одатлардан, масалан, чекишдан воз кечиш, доимий қабул қиладиган дори воситаларини ўз вақтида қабул қилиш, қандли диабет касаллиги бўлса, уни ўтказиб юбормаслик зарур.

Мухтасар айтганда, инсон соғлом турмуш тарзига амал қилса, инсулътнинг олдини олса бўлади.

Зиёда РАЖАБ қизи сўхбатлашди

ИНСУЛЪТНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИ(МИ?)

Вужудингизда кузатилаётган, аммо сиз унчалик эътибор бермаётган баъзи белгилар бирон ноҳус хасталикнинг аломати бўлиши мумкин. Сақиз соат ўрнига ўн соат ишлаётган, вақтида тушлик қилишни унутган, дам олиш кунларида ҳам қўшимча иш юклатилган организм бир кун келиб «дод» дейиши шубҳасиз. Шу боис, вужудингизнинг ишораларига безътибор бўлманг.

Тиббиёт фанлари доктори, ёш мутахассис Зоҳиджон ИСМОИЛОВнинг фикри ана шундай.

– Зоҳиджон Нўъмонович, негадир «инсулът» сўзи қўрқинчли эшитилади. Инсулът ўзи қандай касаллик?

– Инсулът – бош мия тўқимасининг зарарланиши бўлиб, лотин тилида «зарба» деган маънони англатади. Касаллик яшин тезлигида содир бўлиши мумкин. Инсулътнинг геморрагик ҳамда ишемик тури бир-бирдан фарқланади. Геморрагик инсулът деб мия тўқимасига қон қуйилишига айтади. Бу кўпроқ юқори қон босими, гипертониядан азият чекадиган беморларда кузатилади. Шу ўринда битта фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман, агар юқори қон босими бўлган бемор ўзига бунорилган дори воситаларини ўз вақтида ичиб юрса, 35 фоизгача инсулътнинг олдини олган бўлади. Агар бундай киши инсулътга чалинса, 60 фоиз

ҳолатда касалликдан асоратсиз чиқиб кетади.

– **Касаллик турини қандай фарқлаш мумкин?**

– Геморрагик инсулът, яъни мияга қон қуйилиш ҳолати асабийлашганда, стресс ҳолатида бўладиганларда, ишхонада, сиз билан фаол гаплашиб турганда, йиғилишларда кузатилади. Халқ тилида айтганда, «йиқилди», «бошига қон қуйилибди», дейишади. Бунинг сабаби, юрак хасталикларининг ёрилиши натижасида, қон ташқарига чиқиб, мия тўқимасидаги ҳаёт учун зарур аъзоларни бошқариб турадиган жойларнинг фаолиятини издан чиқаради. Иккинчи тур инсулътда эса қон-томир, юрак хасталикларининг ёрилиши натижасида, қон ташқарига чиқиб, мия тўқимасидаги ҳаёт учун зарур аъзоларни бошқариб турадиган жойларнинг фаолиятини издан чиқаради. Иккинчи тур инсулътда эса қон-томир, юрак хасталикларининг ёрилиши натижасида, қон ташқарига чиқиб, мия тўқимасидаги ҳаёт учун зарур аъзоларни бошқариб турадиган жойларнинг фаолиятини издан чиқаради.

– **Бунга сабаб нима? Касаллик ўз-ўзидан пайдо бўлмайдими-ку?**

– Бугунги кунда бизга боғлиқ бўлган ва бўлмаган омиллар жуда кўпайиб кетган. Бирин-

организмдаги гормонал фонни бузиб юбориши мумкин. Бу эса семиршишга олиб келади. Натижада, организмда инсулътга мойиллик ошиб боради.

– **Қайси ёшдаги инсонлар инсулътга кўпроқ қалинади?**

– Агар адабиётларга мурожаат қиладиган бўлсак, йигирманчи асрнинг охирида инсулът кўпроқ 50-60 ёшдан ошган инсонларда учраган. Сабаби, бу ёшдагилар пенсияга чиққанларидан кейин ҳаракатлари бироз камайган, қўпинча уйда ўтиришган. Ишонасизми, йўқми, бугунги кунда инсулът ҳатто ёш болаларда, ҳомилдор аёлларда ҳам учраб турибди. Бунинг биргина сабаби камҳаракатлик, жисмоний машқлар билан шуғулланмасликдир.

– **Инсулътни қайси белгилардан билиб олиш мумкин?**

– Кўпинча қўлларда ва бошда увишиш бўлиши мумкин, нутқда, сўзлашда муаммо пайдо бўлиб қолади. Юзида тушунарсиз шакллар пайдо бўлса, дарҳол шифокорга учрашиш зарур. Чунки бу инсулътнинг огоҳланти-



Боқий сатрлар

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири



ИЧЖУЛАР

*Тикланишининг асосин ғам-ҳасрат беради,
Ўзига осон. У берса қат-қат беради.
Гар юкинсанг, Нажмиддини Куброга юкин,
Байроқ деб жон бермоқ дарсин ҳазрат беради.*

*Кетган кетаверар қатор олдида,
Бор созлар чекингай бир тор олдида.
Дунёнинг бор аттор, савдогарлари
Ҳеч ким... Фаридиддин Аттор олдида.*

*Қўқармоқ не, билмасдим бу зумгача,
Қўқлаб кетди майса қиёғимгача.
Боштин-оёқ суйиб разм солди ёр,
Гуллаб кетди боштин-оёғимгача.*

*Гарчанд ер юзининг қора-оқимиз,
Гарчанд ганж, гувала томи, тоқимиз.
Гўзал дунёларга бошлар йўл асли
Сизнинг билан маним иттифоқимиз.*

*Кетган кетгай қолганларни яролаб,
О, буюк ишқ, бор инкорни қилур даф.
Қиз қабрида қизгалдоқ очилармиш,
Йигит ўтса қабрларни оралаб.*

*Ўйламанг, бозорда ҳумо ё сор йўқ,
Олибсотарларда ҳар не бор, ор йўқ.
Ўмариб кетарди агар бўлганда,
Яхшики, иймонни сотар бозор йўқ.*

*Ҳозирлан, бир шиддат, шахд келаётир,
Йўлда сенмас. Қўқ дарахт келаётир.
Ватан деб аталмиш қадргоҳларда,
Байроқдай ҳилпирар вақт келаётир!*

Музейлар илк бор қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлганини кўпчилик яхши билса керак. Она юртимизда-чи?

Хоразмда XIX асрнинг охирида музей ташкил қилиш учун ҳаракат бошланган. Бунга Хива хонлигида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик маҳсулотлари, осори-атиқалар ҳамда архитектура ёдгорликларининг фотосуратлари Россия ва жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиши сабаб бўлган. Чунки 1890 йилда Ташкентда, 1895 йилда Нижний Новгородда Бутунроссия кўргазмасида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда Американинг Миссури штатининг Олои шаҳрида ўтган халқаро ярмаркаларда Хива хонлигидан 16 та соҳа бўйича ҳар биридани унчагина хунармандчилик ишлари намуналари юборилган. Париждаги кўргазмада Хоразм обидаларидан 143 та биномнинг Бомачинский томонидан олинган фотосуратлари ҳам намойиш қилинган. 1890 йилдаги кўргазмада намойиш қилинган ажойиб мис ўймакорлиги иши учун уста Мавлонберди ва Сафар боболар Россия империяси Молия министрлигининг бронза медали ва фахрий ёрлиғини олишган.

1898 йил 12 апрелда Мухаммад Раҳимхон II Кўҳна Урганч, Хўжаэли ва Кўнғирот хокимларига: «Қадимдан қолган ёдгор нимарсаларни йўқ қилдирымасунлар, ҳар тариқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлгонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фўлар бўлса борлаб топиб мунда юборсун», деб буйруқ беради.

Лекин тўпланган буюмлар Россияга юборилиши натижасида Хиванинг музей очилиши орақга сурилиб, 1920 йилдагина амалга оширилади. 1920 йил 11 апрелда Хоразм Муваққат ҳукумати вакиллари ва РСФСР ҳукумати фақуллода вакили иштирокида бўлиб ўтган кўшма йўғилишда Хива шаҳрида «Хива халқининг ўтмиши ва ҳозирги пайтдаги маданиятига оид барча буюмларни, шунингдек, хонлик зулмининг жазо қуроаларини халққа кўрсатиш ва келгуси авлодлар учун сақлаб қолишни назарда тутиб, халқ музейи ташкил этилсин» дейилган қарор қабул қилинади. Ушбу қарорнинг ижросига киришган Маориф ва маданият назоратининг 17 апрелда халққа қилган эълонида, жумладан, шундай дейилган эди: «Қалъа шўроларининг маҳкамаларига, 26 апрель 1920 йилда Хивада музей ва виставка очиладур. Шунга керакли нимарсаларни тезлик билра аҳолидан сўрашиб олиб, мазкур муддатдин икки кун аввал Хивага еткурмақларингиз зарурийдир». Эълонда махсус кишилар кўлларига мандат билан аҳолидан музейбоп буюмларни соҳибининг қўлига хат бериб олишлари кўрсатилган. Бу хат билан буюмнинг соҳибии истаган пайтда ўз буюмини қайтариб олиши ҳам мумкин бўлган. Музей-кўргазма 1920 йил 27 апрель кунини Бутунхоразм халқ вакиллари I курултойи қатнашчиларининг иштирокида, эски хонлар қароргоҳи Кўҳна Арк биносининг Арзонасида очилди. Ишчилари битта мудар ва қоровулдан иборат музейнинг очилишига Маориф ва маданият назори Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, «Еш хивалиқлар» партиясининг йўлбошчиси Мулла Жуманиёз Султонмуродовлар ўзларининг катта ҳиссасини қўшишди.

1924 йилгача Хива шаҳрининг ичкари қалъасидаги 1831-1839 йилларда қурилган улкан Тошқовли саройида Оллоқулихоннинг авлодлари яшаган ва бу саройни ўз мулки



ҳисоблаб, унинг жиҳозларини сота бошлаган. Бундан хабар топган ҳукумат аъзолари музейни Тошқовли биносига кўчириб, саройни ҳам ўз ҳисобига киритишган ва Хива музейи яна бир экспозицияга кўпайган. 1957 йилда Тошқовли саройида музей экспонатлар фонди ва Тарих музейи қолдирилиб, бу ердаги бошқа музейбоп экспонатлар даврларга ажратилиб, Ичан-қалъадан ташқарида «Хоразм тарихий инқилобий музейи» ва «Хоразм табиати» музейи номи билан Нуруллабой саройига кўчирилган.

Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳардан хоразмлик олимларнинг асарлари ва кўпгина бадиий хунармандчилик намуналари дунёга тарқалган. Ушбу осори-атиқалар ҳанузгача Рим, Париж, Лондон, Копенгаген, Берлин, Қоҳира, Санкт-Петербург, Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги йирик музейлар экспозицияларини беэаб турибди.

XIX асрда жаҳон бўйлаб музейлар ташкил қилиниши амалиётга татбиқ қилинган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қадимий тарихга ва меъморий обидаларга бой бўлган шаҳарларнинг ўзини музей шаҳарлар деб аташ аънаёнага киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар кенгашининг 1969 йил 29 июлдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Хива давлат тарихий меъморчилик «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси ташкил қилинди.

Бу пайтда Хивада асосан иккита катта музей фаолият кўрсатар эди. Уларнинг бири Нуруллабой саройида жойлашган бўлиб, Инқилоб тарихи ва Хоразм воқеаси табиатини акс эттиришга бағишланган эди. Иккинчи катта музей шаҳарнинг ичкари қалъасидаги Оллоқулихоннинг Тошқовли саройида жойлашган бўлиб, унда Тарих музейи фаолият кўрсатаётган эди. Хивалиқларнинг сўзлари қараганда бу музейдаги экспонатлар жуда бой бўлиб, унда жуда кўп қадимги буюмлар, санъат асарлари, хонлик даврининг қимматбаҳо тошлар ва олтин-кумушлар билан беэатилган қурул-яроғлари, чинни буюмлари намойишга қўйилган.

Хива шаҳрининг XIX аср охири ва XX асрнинг бошларидаги кўриниши, унинг ички ва

ташқи қалъа деворларининг ўз ҳолича сақланиб қолгани шаҳарнинг ўзини музей деб аташ ва уни қўриқхона деб эълон қилиш учун асос бўлди. Шуниси қизиқарлики, шаҳар XX асрнинг 60-йилларида ҳам юз йил олдинги кўринишини бузмаган эди.

Ўзбекистоннинг энг кўҳна музейларидан бири бўлган Хива «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида 54 та мангуликка дахлдор тарихий-меъморий обида бор. Бу қадим шаҳарда ҳозирги вақтда 375 та хондон сақланиб қолган ва уларда 2610 нафар аҳоли истиқомат қилади. «Ичан-қалъа» тарихий-меъморий давлат музей-қўриқхонасининг 19 та доимий экспозицияларида Хоразмнинг қадимдан бугунги кунигача бўлган тарихи акс эттирилган.

Хивани бежиз очиқ осмон остидаги музей-шаҳар деб аташмайди. Жаҳон туризмининг марказларидан бири саналган бу шаҳарда 140 тадан ортиқ меъморий обида ва археологик ёдгорлик сақланиб қолган. 1990 йил 12 декабрда Хива шаҳрининг «Ичан-қалъа» қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерослар кўмитиси қарори билан жаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилди. 1997 йилда эса бу қадимий шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи жаҳон миқёсида нишонланди.

Кейинги йилларда Ичан қалъа музейлари фаолиятини такомиллаштириш чоралари кўриломоқда. Хорижий мамлакатлардаги музейлар ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни ўрнатилиш мақсадида ҳамда янги ташкил қилинадиган «Қадимги Хоразм», «Хоразмшоҳлар» ва «Хоразм хонлари» тарихи экспозицияларини сақлангатириш жараёнида хорижий музейларда сақланаётган Хоразм тарихига оид маълумотларни тўплаш ва улардан нуска олиш мақсадида музей илмий ходимлари Япония, Украина ва Россия давлатларида хизмат сафарига бўлишди. 2019 йил 2-3 июнь кунлари Москвадаги «Шарқ халқлари музейи» ва «Евросиё археология музейи»лари билан ҳамкорлик ҳақида меморандумлар имзоланди.

Музей фаолиятига инновацион технологияларни қўллаш борасида 6 та йўналишда ақли ахборот табличкалари, смарт очкичалар жамланмиси, смарт музей, интерактив харита, жонли каталог, виртуал музей, шаҳарнинг 3D кўриниши ишланди.

Мана, бир аср бўлдики, Хива музейи ўлка табиати ва тарихининг ноёб буюмларини тўплаб, уларни авайлаб-асраш, жаҳоннинг турли бурчақларидан келаётган сайёҳларга намойиш қилиш, келгуси авлодга ўз ҳолича етказишдек маъсуляти ишни шараф билан бажариб келмоқда.

Бобожон КОМИЛОВ,
«Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси бош мутахассиси,
Дилмурод БОБОЖОНОВ,
катта илмий ходим

Бир танишим аёлини ёнига олиб, сафарга чиқибди. Йўллар равон, машина янги, кайфият аълолиги учунми, тезликни сал оширганми билмай қолибди. Бундоқ тезликка қараса: 150!

Бирдан кўзи орқа ўриндикдаги аёлига тушибди. У тутқични маҳкам тутганча йўғлаб бораётганмиш. Таажубланиб, машинани тўхтатиб сўрабди:

- Ҳой онаси, сенга нима бўлди?
- Аёл чорсиси билан юз-кўзини артиб, шикаста товуща дебди:
- Ҳеч нарса бўлгани йўқ, дадаси. Хаёлимга ёмон бир гумон келувди, шунинг зарбига йўғлаб қўйдим.
- Нима экан, у гумон?
- Машинанинг шамолдан тез кетяпти. Кўзим ён-атрофни бир илғаб, бир илғамайтир. Бу тезликда, Худо асрасин, бир фалокат бўлса-ю... Мен ўлиб қолсам, сизнинг хизматингизни ким қилади? Келин-келин... Қизимизнинг уйи бошқа. Шунга йўғлапман.

Бу гапни эшитган танишимни яшин ургандай бўлибди. Тўғри-да, агар аёли «Сиз ўлиб қолсангиз, кейсаянимда мен нима қиламан?», деса бу гапи таъсир қилмасди. Аёлининг топиб айтган гапига қаранг, меҳринг жўшади! Улар нима деса, рост айтади, сўзида ёлгон йўқ. Ўзбекининг аёлининг кўлини бошидан сўб ўгириб ичсанг ҳам кам.

Ҳа, ўзбекининг аёли бу – ўзбек аёли! Бу ҳақиқатнинг яна бир исботига марказий шифононалардан бирида гувоҳ бўлидим:

– Кўзимни очсам, шифт хира кўринди. Сал фуркат ўтиб, ёнга ўгирилмоқчи бўлидим, эплай олмадим. Қўл-оёғим мажол-сиз эди. Атрофимда умримда кўрмаган қандайдир аппаратлар... Хона дори ҳиди билан димиққан. Шу пайт оқ халати икки киши кириб келди. Англадим, операциядан кейин ётқизиладиган махсус жойдаман. Мендан сал нарида бир бе-

мор ётар, у уйғоқми, уйқудами, билиб бўлмасди. Эртаси кунни мени реанимациядан бошқа палатага кўчиришди. Ёнимдаги ҳамхонам оғирроқ бўлган, шекилли, икки кундан сўнг қаршимиздаги палатага ўтказилди. Ҳол сўрагани кирдим, таниб сунюнди.

Орадан бир кун ўтиб, кўшни палата олдидаги ҳолат беихтиёр эътиборимни тортди. Шифокорлар хонага кир-



Ўзбек аёли

масдан ташқарида безовта бўлиб туришар эди. Ичкаридан менга таниш товущ эшитилди. Кейин билсам, у қадрдонларимдан бири – руҳшунос уяхоним экан. У бироздан сўнг ҳол сўрагани хонамга кирди.

Гап орасида ундан сўрадим:
– Кўшни палатадаги бемор ҳам танишингизми?
– Йўқ, куёви қадрдоним бўлади.
– Ишқилиб, тинчликми?...
У озроқ тин олиб, пешонасини силанган кўйи гап бошлади:
– У кишининг ҳам сиз каби яқинда юрагини операция қилишган экан. Тақдирни қарангки, аёли эрини операцияга кузатиб, ўзи ўша кунни уйига бориб, омонатини топширибди. Айтишларича, эрини ўйлаб, жуда кўп сиқилган экан...

Бу совуқ хабарни оғир ётган беморга дабурустан етказиб бўлмасди, лекин айтмасликнинг ҳам илоҳи йўқ эди. Чунки у киши ҳар кун хотинини сўрарди. Куёви, «сиз айтинг», деб илтимос қилгани учун «йўқ» деёлмадим. Озроқ муҳлат сўрадим ва бугун «ёридим».

Хуллас, у кишининг ҳузурига кирдим. Ўзимни куёвининг қадрдоми сифатида танитиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлидим. Сўхбатимиз дард ҳам, шифо ҳам Яраттандан

тидан бир хабар тайёрлаб турган эдим. – Ҳўп, айтинг. Агар бир кишидан қарзимиз бўлса-ю, у сиз йўқлигингизда омонатини сўраб келса ва шу нарса бизда бўлса, топширганнинг маъқул билармидингиз?

– Албатта, қарз билан жонни бериб қутуламиз.
– Тўраам, шундай бўлди, бир жонни бердик.
– Яъни...
– Ёлғиз фарзандимиз...
Шу ерга келганимда, беморни ҳаяжон босди, титраган бемажол қўллари билан устидаги ёпқични кўксидан суриб, кўзларини менга қадади:
– Ким, ким, айтсангиз-чи?
– Аллоҳнинг иродаси экан, аёлигиниз...
– Аёлим?.. Унга нима бўлди? Соппа-соғ эди-ку. Чалқашманг, куёвим қани?
Остонада турган куёви ичкарига кириб, бош ирғади ва шикаста товуща «Сабр берсин, дадажон, бандалик», деди.
Бемор ўзини йўқотмади, аммо тошдек қотиб қолди. Сўнг чуқур бир хўрсинди-да, охи йўғиға кўчиб, роз айтди:
– Розиб бўл, онажоним, дардимни сента юқлабман. Операцияга кираримда айтган сўзларим нодонлик бўлибди. Розилигингни сўраб, сўз очганимда, гапиргани қўймай «дадаси, бемор эмас, ажал иетган ўлади. Совуқ нафас қилманг, сиздан олдин кетсам-чи», деганингни далда билибман. Ичингда «Мен кетай, эрим қолсин...» деб сўраганимнинг? Мендан хавотирланиб, меннинг ўрнимга... Сендан рози-ман, мендан рози бўл...
Сўнг товущ чиқармай узоқ йўғлади, дардли йўғлади. Мен дош беролмай, билалқарини бир сиқдим-да, ташқарига чиқдим. Соф муҳаббатли экан, кўз ёшларида қизиллик бордай эди...

Ҳаёт ҳикматлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини кенгаши Федерация аппаратынинг «Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш» бўлими муdiri Маҳмуджон Исаева падали бузирувори

Неъмат ота ИСАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмасы Республика кенгаши жамоаси Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр ва санъат арбоби **Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Эълонлар

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурдаги иқтидорли болалар академик лицейи томонидан 2018 йилда Турнунов Шоҳруқ Фулом ўғли номига берилган Л № 347586 (рўйхат рақами 70) рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида Қадырова Саодат Примкуловна (2011 йил 25 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида Қадырова Саодат Примкуловна (2011 йил 24 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Тошкент автомобил йўллари институти томонидан 2000 йилда Мухаммадиев Бахтиёр Исмаилович номига берилган В № 215813 (рўйхат рақами 281) рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

МУАССИС:

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИКОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИКОВ,
Шоҳимшо ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМКУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўлибди),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқўқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нўқтани назардан фарқланмиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж. Наханов

Мусаҳҳир:
А. Абдулғайонов

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:15**
Топширилди – **00:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 6 бетса табоқ. Бюроғи Г – **506**. **30368** нускада босилди. Нашр кўрсатиғи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилмиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмачонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130